ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАҲАЛЛА» жамғармасининг нашри

№ 20 (298) 2002 йил 22 май, чоршанба. Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган. Сотувда эркин нархда

«Mahalla» йўқлови

ҚАДИМИЙ БУХОРОНИНГ НАВҚИРОН ҚИЁФАСИ

Бухоро вилоятига сафарга отланар эканмиз, табиийки, бизни нафақат вилоятда маҳалла тизими фаолияти, балки у ердаги ижтимоий-маданий ҳаёт, турли даражадаги тадбирлар, умуман, бухороликларнинг бугунги кундаги қувончу ташвишлари ҳам қизиқтирарди.

Йигирма беш асрлик тарихга эга Бухорои шарифга айни кунларда ташриф буюрган киши вилоятда барча соҳада бунёдкорлик ишлари авж паллада эканига гувоҳ бўлади. Айниқса, бу ерда ёшларни маънан ва жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш борасида йўлга қўйилаётган тадбирлар кишини ўзига ром этади. Бу ерда ҳамма нарсада - масъул шахслардан тортиб оддий фуқароларнинг ҳаётга, меҳнатга бўлган муносабатида, минг йиллик тарихий обидаларнинг замонавий иншоотлар билан мутаносиблигида, ёшларнинг кўтаринки кайфиятида, ҳаттоки бу ерда меваси минг дардга даво бўлгувчи тут дарахтининг кўплигию кенг ва равон марказий кўчаларда йўлкаларга тоғлардан кўчириб келтириб, ихлос билан экилган лолақизғалдоқларнинг чўғдек яшнаб туришида ҳам ўзига хосликни кўриш мумкин.

Универсиада арафасида

Шу кунларда вилоят ҳаётидаги энг муҳим тадбирлардан бири - яқин кунларда бошланадиган республика талаба ёшларининг универсиадасига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда экан. Хусусан, Бухоро шаҳридаги марказий стадион кенгайтирилиб, жаҳон андозаларига мос равишда қайта таъмирланиб, бу ердаги қурилиш ишлари ниҳояланиш арафасида экан.



Давоми 3-саҳифада

МАҲАЛЛА МАЪНАВИЯТИ

Тошкент вилоятининг Тошкент туманидаги Алишер Навоий номли маҳаллада ана шундай маънавий соғлом муҳит ҳукмрон.

Турли йиғинлар, суҳбат ва учрашувларда маҳалла аҳли фаол қатнашадилар.

Яқинда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси, Республика маънавият ва маърифат маркази ҳамда Имом ал-Бухорий халқаро жамғармалари ҳамкорлигида бу маҳаллада «Маънавият сабоқлари» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Суратда: маҳалла фаоллари ана шу маънавий-маърифий тадбир ҳақида фикрлашмоқдалар.



ТАБИАТ ВА БИЗ

ОҲУЛАР ЖИЗЗАХГА КЕЛАДИ

Бу гапни эшитган кишининг қалбини илҳомбахш туйғулар қамраб олади. Бундан 40 йил муқаддам вилоятнинг ҳудудларини биздан норози бўлиб ташлаб кетган оҳуларни яна табиат ошиқлари ўз ошиёнларига қайтарадиган бўлишди.

Режасиз, тарзда яъни, тўғри келган ерлар ўзлаштирила бошлагач, осмондан самолётлар заҳри қотилни ёмғир қилиб ёғдиривергач, юлдузни бенарвон урадиган «овчи»лар таъқиб қилавергач, кийиклар чорасиз қолган эди. Улар Зоминдан Мирзачўлга қочдилар. Чордара, Айдаркўл ёқаларидан паноҳ қидирдилар. Бу ердан ҳам қувилгач, Форишга қараб йўл олдилар, сўнгра... сўнгра Бухоронинг кенгликларига йўл олдилар. Ўша ерда, хайрият қўнолга топиб, насл қолдиршга имкон топдилар. Мана 40 йилдирки, кўзлари билан шоирларни мафтун этадиган, баҳор чечагидай масъум, беозор жониворлар Жиззахдан бадарга эди. Ҳайвонот дунёсининг бир қирраси маҳв этилган, табиат тарозусининг бир томони оғиб турарди...Жиззах вилояти Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ўтган йили хайрли ишга қўл урди. Нурота-Қизилқум биосфера қўриқхонасининг Жиззах вилояти ҳудудларида кийик, шу каби камёб ҳайвонлар, қушлар келтириладиган, ноёб ўсимликлар дунёси муҳофаза қилинадиган бўлди. Бу хайрли ишга Бирлашган миллатлар ташкилоти бош қўшиши айни муддао бўлди. 1 миллион 400 минг АҚШ доллари ажратилди, Республика «Қизил китоб»ига киритилган ноёб ҳайвонлар, паррандаю даррандаларни олиб келиш, табиий ҳолда ўсадиган ўсимликларни дунёсини муҳофаза қилиш, экологик тангликнинг олдини олиш, табиат билан инсон ўртасидаги мувозанатни тенглаштириш, ер, сув, ҳавонинг мусоффолигини сақлаш учун имкон яратилди.

Жиззах вилояти Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Ортиқ Абдуллаевнинг айтишича, яқин кунлар ичида Бухородан Нурота Қизилқум биосфера қўриқхонасининг Жиззах вилоятига қарашли ҳудудларига 20 бош кийик келтирилади ва кўпайтирилади. Ҳимоя зонаси ташкил этилиб, ерлик аҳоли бундан хабардор этилди. Кийикларга озор бермаслик, ҳуркитмаслик учун аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилди. Кийикларга ва бошқа ҳайвонлар кўпайтирилгач, вилоятнинг тоғли ҳудудларига эркин қўйиб юбориш режалари белгиланади. Бу борада ташкил этилаётган кўшма корхоналар муайян ишларни олиб боришмоқда. Жумладан Ўзбекистон-Россия кўшма корхонаси туяқуш ва лочин каби қушларни кўпайтиришни режалаштирганлар. Келажакда Жиззах табиати учун зарур бўладиган ҳайвонлар ва ўсимликлар дунёси устида муҳим тадқиқотлар олиб борилади.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

МУАОММОЛАР БАРҲАМ ТОПМОҚДА

Косон туманининг чекка қишлоғида жойлашган Неқўз қишлоғида ечимини кутаётган муаммолар оз эмас. Кичик корхоналар бўлмагани боис кўпчилик ёшлар, айниқса хотин-қизлар иш билан таъминланмаган эди.

«Умид» минтақаларо реабилитация маркази бу камчиликларни бир қадар бартараф этишга киришди. Ташландиқ ҳолида ётган клуб биноси таъмирланди. Қишлоқда ижтимоий марказ иш бошлади. Айни вақтда бу ерда руҳшунос ва турли йўналишдаги шифокорлар иш олиб боришмоқда. Марказ саъй-ҳаракати билан маданий - оқартув ишлари бир қадар йўлга қўйилди. Дам олиш кечалари, турли мусобақалар, танловлар ўтказиладиган бўлди.

«Каунтерпат консорциум» фондидан грант туфайли қишлоқда ичимлик сув масаласини ҳал этиш имкони яратилди.

«Қарияларни қадрлаш йили» муносабати билан Некўз маҳалласи аҳолисига «Умид» минтақаларо реабилитация марказидан хайрия ёрдами - турли озиқ-овқат маҳсулотлари ширинликлар, мева шарбатлари етказиб берилди. Уларни маҳаллага халқаро ривожланиш (USAID) агентлиги инъом этди. Маҳсулотларнинг бир қисми маҳалла қарияларига, кам таъминланган оилаларга, иккинчи қисми эса Қамаши туманидаги «Мурувват уйи», «Зилола» болалар боғчаси, Исмоилов номли мактаб, шунингдек, вилоят марказидаги «Мурувват уйи» ҳамда шаҳар касалхонасига тарқатилди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ.

Навоий вилояти

ҚАРИЯЛАР ҚАЛБИМИЗ АРДОҒИДА

«Нарпай» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган «Дўстлик» болалар оромгоҳида вилоят ҳокимлиги, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» ва «Экосан» вилоят бўлимлари жамғармалари, «Коском» қўшма корхонаси ҳамкорлигида «Қариялар қалбимиз ардоғида» деб номланган кеча бўлиб ўтди.

Кечага Навоий шаҳрининг Кармана, Навоий туманларида истиқомат қилаётган икки юз нафарга яқин отахону онахонлар ташриф буюришди. Уларнинг кўпчилиги иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари эди.

Навоий тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Эргаш Бердиев сўзга чиқиб, қариялар билан дийдорлашиб туриш, уларнинг суҳбатини, дуоларини олиш, кўпгина яхшиликларга йўл очади деган илиқ сўзларни айтди.

«Кармана» фольклор дастаси тайёрлаб келган қўшиқ ва рақслар «Қаҳ-қаҳа» гуруҳининг ичак узди ҳангомалари кечага файз киритди. Бир вақтлар йирик мусобақаларда иштирок этган кекса полвонлар яна бир бор ўз моҳоратларини намойиш этишди.

А.САФАРОВ,
«Mahalla» мухбири.

АМАЛИЙ МУЛОҚОТ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН: ОВУЛЛАРНИНГ ДАДИЛ ҚАДАМИ

Қорақалпоғистон Республикаси 15 та туманлари ва Тахиатош, Нукус шаҳарларида тўрт кун давомида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарув органлари фаолиятини яхшилаш, такомиллаштириш, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларини оғишмай амалга оширишда овул, маҳалла фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари ролига бағишланган амалий мулоқотлар бўлиб ўтди.

Бу тадбирларда Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви раиси Аъзам Гадойбоев қатнашди. Амалий мулоқотнинг якуний учрашувларидан бири Элликқалъа туманида бўлиб ўтди. Овул, маҳалла фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари, баъзи жамоат ташкилотлари вакиллари, туман ва шаҳар ҳокимликлари ходимлари қатнашган мазкур учрашувни Элликқалъа тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари, Бўстон шаҳри ҳокими Болтабой Олимов кириш сўзи билан очди. Мулоқот давомида А.Гадойбоев маруза қилиб, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ташкил топган кейинги ўн йилда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини жонлантиришда муайян ишлар адо этилганини мисоллар асосида эътироф этди. Мулоқотлар давомида сўзга чиққанлар мамлакатимиз Президенти томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига алоҳида эътибор қаратиш борасидаги ғамхўрлигининг амалий кўриниши бу юртда ҳам ўз аксини топаётганлигини айтишди. Шунингдек, маҳаллаларда тадбиркорлик, ёшлар тарбияси, спортни ривожлантириш, жиноятчилик ва гиёҳвандликка қарши аёвсиз курашиш бўйича ҳам оқсоқоллар олдида турган қатор масалалари муҳокама қилинди.

Шундан кейин «Энг обод маҳалла» кўрик-танлов ғолиби Бўстон шаҳридаги ибн Сино маҳалласи оқсоқоли Собит Нагметовга фахрий ёрлиқ тантанали вазиятда топширилди.

Асилбек ИСКАНДАРОВ,
«Mahalla» мухбири.

КЕКСАЛАР ВА ЁШЛАР

Тарбия

Республикамиздаги кўплаб қишлоқ маҳаллаларида кексалар ва ёшлар учрашувларини уюштириш кенг йўлга қўйилган.

Хўш, бу борада Наманган вилояти ёшлари ўртасида қандай ишлар олиб борилмоқда?

- Ёшлар тарбияси кун тартибимиздаги бош масалалардан биридир, - дейди вилоят Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси вазифасини бажарувчи Б.Набиев.

- Ушбу йилнинг биринчи чорагида Наманган санъат коллежида «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий Ҳаракати шаҳар бўлинмалари билан ҳамкорликда маҳаллалар посбонлари, ҳуқуқбузарлик ҳаракатларини содир этган вояга етмаган ёшлар ҳамда жазони ўташ жойларидан амнистия муносабати билан озод этилган ёшлар иштирокида давра суҳбати ўтказилди.

Шаҳардаги Даштбоғ маҳалласида эса «Баркамол авлод орзуси» мунозара кечаси уюштирилди. Кўплаб маҳаллаларимизда бўлиб ўтган «Чекишнинг зарари», «Яқин қариндошлар никоҳининг зарарли оқибатлари», «Гиёҳвандлик аср заволи», «Фарзандлик бурчи» деб номланган давра суҳбатларига кекса тиббиёт ходимлари таклиф этилдилар.

Маълумки, «Қарияларни қадрлаш йили» муносабати билан кўп йиллар давлат ва жамият хизматида бўлган кексаларимизнинг ҳолидан хабар олиш, уларнинг кўнглини овлаш сингари хайрли юмушлар аниқ режалар асосида бажарилаётир. Чортоқ, Уйчи, Чуст, Давлатобод туманларида ҳамда Наманган шаҳрининг кўпгина маҳаллаларида «Кексалар дуосини олайлик» деб номланган тадбир уюштирилди. Бу талбирда ёшлар ҳам фаол иштирок этдилар.

Косонсой туманидаги қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида 62 жойда «Кексалик илми» ёки «Фарзандларимиз биздан розими?» мавзуларида ўтказилган учрашувларда 25 мингдан ошиқ фуқаролар иштирок этдилар. Чустдаги 58 та маҳаллада эса «Огоҳлик - давр талаби» мавзусида учрашув ва суҳбатлар бўлиб ўтди. Бу йиғинга таклиф этилган уруш ва меҳнат фахрийлари тинчликнинг мўқаддас эканини, ҳар биримиз ўз уйимизни, ўз маҳалламизни асрашга ҳисса қўшишимиз кераклиги ҳақида гапиришди. Хуллас, ёш авлод тарбиясини яхшилашда кексаларимизнинг ҳаёт тажрибалари қўл келмоқда. Бу каби муҳим тадбирларни келгусида янада кучайтираверамиз.

Ўз мухбиримиз ёзиб олди.

Асосий Қомусимизнинг кенг аҳамияти ва ҳаётий зарурияти кишиларимиз онгига тобора чуқурроқ сингиб бораётир.

ҚОМУСИМИЗ ЧУҚУР ЎРГАНИЛМОҚДА

Жойларда бу муҳим ҳужжатни ўрганишга кун тартибидаги муҳим масала сифатида қаралмоқда. Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманидаги Олим Хўжаев номли маҳаллада Конституциямизни ўрганишга доир махсус Дастур ҳам тузиб чиқилди. Ушбу дастурга кўра ўтказиладиган машғулотларга Тошкент Давлат миллий университети, Юридик, Шарқшунослик институтларининг олимлари, республика «Маънавият ва Маърифат», Ҳуқуқий-маърифий тарғибот марказлари раҳбарлари, туман прокуратураси ходимлари маруза ҳамда суҳбатлари билан иштирок этадилар. Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари, фуқароларнинг бурч ва ҳуқуқлари, сайлов тизими ва шу каби муҳим мавзуларга оид суҳбатлар маҳалла аҳлига Асосий Қомусимизга янада ишонч ва ҳурмат туйғуларини уйғотиши шубҳасиз.

Яқинда дастурга кўра навбатдаги машғулот бўлди. Унда Шайхонтоҳур тумани ҳокими ўринбосари У.Раҳмонбоев, «Маҳалла» жамғармаси раиси ўринбосари С.Ҳасанов, Тошкент шаҳар «Маънавият ва маърифат бўлими раҳбари С.Салимовлар маърузаси тингланди.

Ўз мухбиримиз.

ТАЖРИБА

НАВОИЙликлар «АСТРОБОД»ДА

Ўтмишимиз даҳоларининг азиз номлари ва тарихини эслатувчи сарлавҳали мақоламиз воқеалари аслида бугунги кунда бўлиб ўтган тадбирларидир.

Яқинда Ўзбекисон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси ташкилотчилигида Навоий вилоятидан ташриф буюрган 55 та маҳалла оқсоқоллари пойтахт маҳаллалари иш тажрибаси билан танишдилар. Шу танишув якунига бағишланган йиғилишнинг Бектемир туманидаги «Астробод» гузарида бўлиши, бу кўркам гузарга Ҳусайн Бойқаро кўчаси бўйлаб кириб борилиши йиғилганларга шундай мароқли ибора тақдим этди.

Шундай қилиб, Навоий вилояти фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг вилоят Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Ҳусан Аҳмедов бошчилигидаги гуруҳи тажриба алмашишни эрта тонгданоқ Чилонзор туманининг 2-Чарх Камолон маҳалласидан бошлашди. Уларга бу ерда оқсоқол Зоҳид Отаметов маҳалладаги тадбиркорлик, аҳолининг турли қатламлари билан ишлаш тажрибаларини сўзлаб берди. Сўнг меҳмонлар маҳалла оталиғидаги «Истиқлол юлдузлари» болалар боғчасини бориб кўришди.

Меҳмонлар Ҳамза туманида А.Назаров номли ва Тарновбоши,Бектемир туманининг Мажнунтол маҳаллалари фаолияти билан танишдилар. Навоийлик оқсоқоллар бу ердаги тажрибаларни амалга оширилиши йўллари билан қизиқдилар.

Шу куни меҳмонлар Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви раиси биринчи ўринбосари Н.Абдуллаев бошчилигида музокарада қатнашдилар.

Шунингдек, оқсоқоллар пойтахтнинг эътиборга молик жойларини зиёрат қилдилар.

ШУ СОННИНГ

2-САҲИФАСИДА

* Ислом динининг асл моҳияти.
* Кўп қаватли қандай жониворни боқиш мумкин?
* Зиёфатдан сўнг... жиноят!

3-САҲИФАСИДА

* Бухорои Шарифнинг қадамжолари, тадбирлари ва маҳаллалари.
* «Семург»дан ўзбек спортининг бўлажак лочинлари қанот қоқмоқдалар.
* Ҳамма маҳаллани қўллайди: ҳоким, ҳунарманд, тадбиркор...

4-САҲИФАСИДА

* Бир шаҳзода бўлган экан, ғарибдан Ғариб...
* Иродали Ирода олға интилмоқда!
* Севиб қолдию, озиб ҳам олди!

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи:148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Тахририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Телефонлар: Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-53-75
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

ХАЛҚАРО ҲАЁТ ПАНОРАМАСИ

ЯНГИ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ

Ўтган ҳафта халқаро майдонда рўй берган воқеалардан бири Шарқий Тимор давлатининг мустақилликка эришганлиги бўлди. Аввал Португалия мустамлакаси бўлган бу мамлакатни 1975 йили Индонезия босиб олган эди. Шарқий Тимор БМТга кирган 192 мамлакат бўлди.

ЙИҒИЛИШ ҚОЛДИРИЛДИ

Исроил томонининг кўрсатган монелиги туфайли Фаластин раҳбари Ё.Арофат юқори лавозимдаги амалдорлари билан мўлжалланган йиғилишини ўтказа олмади. Ғарбий соҳилдан келадиган кишилар Исроил блок постларидан эсон-омон ўтиб келсагина чоршанба кунига белгиланган йиғилиш ўтказилиши мумкин.

ХАЛҚНИНГ КЎПЧИЛИГИ НОРОЗИ

Эронинг обрўли диний уломаларидан Оятилла Иброҳим Аминий ҳукумат олиб бораётган иқтисодий сиёсатдан халқнинг кўпчилиги норози эканлигини, 1979 йилги инқилобда халққа берилган ваъдалар бажарилмаётганлигини айтиб бу ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини билдирди.

АҚШ ҲАРБИЙЛАРИ ГРУЗИЯДА

АҚШдан Панкиси воҳасига келган ҳарбий мутахассислар бу ерда грузин аскарлари билан террорчиларга қарши кураш олиб боришни машқ қиладилар. Америка бу ишларга 64 млн. доллар ажратганки, бу маблағ Грузия ҳукуматининг мудофаага ажратадиган тўрт йиллик маблағига тенг.

БОҒЧАЛАРНИНГ КЎПИ ЁПИЛГАН

Қирғизистонда мактабгача болалар муассасаларининг сони камайиб кетди. Масалан мамлакатнинг Ўш вилоятида 1991 йили 274та шундай муассаса бўлиб уларда 42.810 бола тарбияланган бўлса, ҳозир 70 та болалар боғчасига 7961 нафар бола қатнамоқда.

Ҳукумат ҳар бир болага 200 қирғиз соми ёки 12 АҚШ центи атрофида маблағ ажратмоқда. Тожикистонда ҳам шундай манзарани кўриш мумкин. Бу ерда ҳар бир боғча тарбияланувчисига 20 дирҳам ажратилмоқда. Бу пулга 150 гр. нон беради холос.

ЎҚИШ ПУЛЛИК БЎЛАДИ

Туркманистонда келгуси ўқув йилидан бошлаб ҳамма олий ўқув юртларида ўқиш пуллик бўлади ва ўқиш асосан икки йилга мўлжалланади. Бунинг устига олий ўқув юртларида гуманитар фанлар ўқитилмайди. Уларнинг ўрнига туркманбоши С.Ниёзовнинг «Руҳнома» асари ва Туркманистон тарихи фани ўтиладиган бўлди. С.Ниёзов куни кеча «Руҳнома»ни инглиз ва турк тилига ўгирган таржимонларни каттагина пул мукофоти билан сийлади.

ЯНГИ ПАРТИЯ ТУЗИЛДИ

Қозоғистон адлия вазирлиги янги партияни рўйхатдан ўтказди. Мамлакатдаги турли миллат ва элатларнинг вакилларидан ташкил топган ушбу партиянинг мақсади ҳозирги реал вазиятни ва ресурсларни ҳисобга олган ҳолда республика социал-иқтисодий ривожланишининг муқобил режасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадбир ва тафсилот

ДИНИМИЗ МОҲИЯТИ МУҚАДДАСДИР

Ўзбекистон мусулмонлари идорасида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги вакиллар, диний таълим муассасалари мудирлари, Тошкент шаҳар жоме масжидлари имом хатиблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ходимлари иштирокида қўшма йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда ислом динининг асл моҳиятини фуқароларга тўғри тушунтириш, уни зарарли, нотўғри талқинлардан сақлаш, ҳукуматимиз томонидан фуқароларимизга яратилаётган эркинликлар ва амалдаги қонунларга оғишмай амал қилиш масалалари муҳокама қилинди. Асосий маъруза билан сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Ҳуснидинов икки муҳим масала, бир томондан тинчлик ва эзгулик дини исломни сиёсийлашган жангари «ислом»дан ҳимоя қилиш зарурлиги, иккинчи томондан, кўпмиллатли жамиятимизда эътиқод эркинлиги кафолатланган шароитда уларнинг бундай фаолият юритишлари юртимиздаги миллатлараро ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенгликка салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида гапирди.

Ўзбекистонда қонун томонидан таъқиқланган ташвиқотларнинг юзага келиши мусулмон дунёси олдида халқимиз нуфузига путур етказиши мумкин. Бундай ҳолатларнинг олдини олишда имом-хатибларнинг маърузалари таъсирчанлигини янада ошириш, маҳалла оқсоқоллари билан ҳамкорликда аҳоли билан мулоқотлар ўтказиш керак. Шунингдек, кам таъминланган оилалар, ногирон ҳамда боқувчиси бўлмаган қарияларга хайр-эҳсонлар тарқатиш йўли билан моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатиш зарур.

Маълумки, диний таълим тизимида диний фанлар билан бир қаторда дунёвий фанлар ҳам ўргатилиши ўқув жараёнини янада такомиллаштирилиши, юқори малакали исломшунос мутахассис ва имом-хатиблар тайёрлаш имконини беради, бу эса ўз навбатида мазкур соҳадаги баъзи камчиликларни бартараф этишда муҳим омилдир. Бу йўналишда етарли моддий техника базаси яратилганлиги, ўқув юртлари компьютер ва информатика хоналари билан жиҳозлангани, турли касб-ҳунарлар бўйича ихтисосликлар очилгани мустақил юртимизда диний таълим тизимининг ҳам янада ривож топаётганидан дарак беради.

Жума маърузалари хусусида баъзи бир мулоҳазали фикрлар ўртага ташланди. Ўзбекистон мусулмонлари идораси фатво бўлими томонидан тайёрланган маъруза тезислари тарқатилаётганига қарамасдан, жойлардаги баъзи имомлар бунга совуққонлик билан ёндошуви сабабли, маърузалар таъсирчанлиги сезилмаяпти. Бунинг олдини олиш учун имомлар доимий равишда ўз малакаларини ошириб боришлари лозим. Жамоатчилик билан ишлашда оммавий услуб билан бир қаторда, якка тартибда ишлаш зарур, яъни ҳар бир мурожаат жавобсиз қолмаслиги керак.

Шунингдек, Ўзбекистон мусулмонлари идораси нашри бўлган «Ислом нури» газетаси ва «Ҳидоят» журналида доимо бир хил муаллифларнинг мақолалари босилмоқда, бошқа имом-хатибларнинг чиқишлари кам бўлаяпти. Улар тез-тез ўз мақолалари орқали бугунги кунда рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларга муносабат билдириб туришлари зарур. Лозим бўлса, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар тайёрлашда бевосита иштирок этишлари мақсадга мувофиқдир.

Республика раҳбарияти томонидан олиб борилаётган одилона миллий сиёсат туфайли мамлакатимиздаги барча миллат ва дин вакиллари ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик шароитида ҳаёт кечираётган бир пайтда баъзи бир ташкилотлар миссионерлик фаолиятини кучайтириб инсонларнинг диний эътиқодини ўзгартиришга даъват ишлари билан шуғулланаётгани каби салбий иллатларнинг олдини олиш бўйича кўпчилик бўлиб иш олиб борган маъқул.

Масжидлар қошида ташкил этилган китоб савдоси, уларда сотилаётган адабиётларни тартибга келтириш, адабиётларни бизнинг маънавий ҳаётимизга, миллий истиқлол ғоясига ҳамоҳанглигини назорат қилишда масжид имом хатиблари хизматлари катта бўлмоғи лозим.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасига масжид, мадраса ва қабристонларда ободончилик ишларини йўлга қўйиш, намозхонларга янада қулай шароитлар яратиш, жума маъруза тезислари сифатини яхшилаш фойдадан холи эмас.

Ислом динининг асл моҳиятини ҳар биримиз фуқароларга тўғри тушунтирмоғимиз шарт. Шундай иш юритайликки, динимиз муқаддаслигича қолсин, уни зарарли, нотўғри талқинлардан асрайлик.

Шунингдек, маърузачи фақат анъанавий байрам ёки тадбирларда эмас, балки мунтазам равишда жойлардаги кам таъминланган, етим-есир, ногирон, боқувчисини йўқотган ҳамда табаррук ёшдаги қарияларга хайр-эҳсонлар уюштириш лозимлиги, қилинадиган эҳсонларни муҳтожларга бериш савоблироқ эканлигини таъкидлади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари Ш.Миноваров, Ўзбекистон мусулмонлари идораси таълим бўлими мудири Ж.Нуриддинов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари А.Юнусовлар сўзга чиқиб, ўз мулоҳазаларини айтдилар. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси А.Баҳромов Юртбошимиз томонидан динимизга кўрсатилаётган оталарча ғамхўрлик ва эътиборга миннатдорчилик билдирди.

Шухрат ИСМОИЛОВ.

МУРУВВАТЛИ «МЕҲР-МУРУВВАТ»

Тошкент вилояти Хотин-қизлар қўмитаси қошида «Меҳр-мурувват» гуруҳи фаолият кўрсатмоқда. Гуруҳда вилоят «Маҳалла», «Соғлом авлод учун, «Наврўз», «Экосан», «Болалар» хайрия жамғармалари, «Аёл ва саломатлик», «Оила» марказлари, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш бошқармалари ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар. «Меҳр-мурувват» гуруҳининг асосий мақсади вилоят, туман, шаҳар ва қишлоқ хонадонларида яратилган шарт-шароитлар, маданий-маишший, тиббий ва ижтимоий муҳофаза борасидаги ишларни ўрганиш, мавжуд муаммоларни ҳал этишда уларга кўмаклашиш, кам таъминланган аҳолини моддий қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Шундай тадбирлар Пскент, Бекобод, Оққўрғон туманларида бўлиб ўтди. Оққўрғон туманида жойлашган «Қаҳрамон» ширкат хўжалиги хотин-қизлари ва ўқувчи ёшлари билан суҳбат вилоят «Маҳалла» жамғармаси раиси Т.Миркомилов, «Аёл ва саломатлик» Маркази раҳбари Г.Иброҳимованинг ёшларни оилага тайёрлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, жиноятчиликни олдини олиш, маданий ва маърифий ишларни жонлантириш, кутубхоналар фаолиятини такомиллаштириш, туғуруқ ёшидаги хотин-қизларга тиббий хизмат кўрсатиш, аёлларнинг репродуктив саломатлигини яхшилаш бўйича маърузалари тингланди. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси шифокорлари томонидан аҳоли тиббий кўрикдан ўтказилди, зарур дори-дармонлар етказиб берилди. Гуруҳ таркибидаги вакиллар жойларда хотин-қизларни, ёлғиз-кексаларни, кам таъминланган, кўп болали оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ёшлар таълим-тарбияси ва уларга яратилаётган шарт-шароитларни ўрганиб, зарур чора-тадбирлар белгиладилар. Шунинг билан бирга тумандаги 100 ёшдан ошган қариялар, ногирон отахон ва онахонларнинг ҳол-аҳволидан хабар олиш йўлга қўйилди.

Мухбиримиз.

Кўрик-танлов якунлари

Андижон вилояти

ЭНГ ОБОД МАҲАЛЛА

Танлов ғолиби қандай бўлади?

- Кўрик-танлов давомида энг сара, энг обод маҳаллани аниқлаш учун уларнинг ҳар томонлама ибратли жиҳатларига эътибор қаратиш зарур бўлади, - дейди Андижон вилояти Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг раиси А.СОЛИЕВ.

- Бу ибратли жиҳатлар нималарда кўринади? Агар маҳаллада тадбиркор ва ташаббускорлар кўп бўлса, улар ўзлари яшаётган масканнинг ободлиги учун астойдил қайғурсалар, эзгу ишларга бош қўшишса, бу албатта яхши. Ён-атрофи боғ ва гулзорларга бурканган маҳалла борки, бу ерда фидойи инсонлар кўплигини ҳис этасиз. Ўз гузари, ўз чойхонасию новвойхонаси, устахоналари бор бўлган маҳаллада ишсизлик муаммоси ҳам тезда ҳал этилади. Шу сингари муваффақиятларга эса маҳалла оқсоқоли ҳамда фаолларининг куч-ғайрати, шижоати эвазига эришилади.

Ҳа, оқсоқол жонкуяр бўлса, у тиниб-тинчимайди, эл-юртнинг тинчлигию фаровонлиги учун неки қилиш керак бўлса, шунга интилади. Натижада энг обод маҳаллалар сафи тобора кенгаяверади. Яқинда Андижон вилоятида «Энг обод маҳалла» республика кўрик-танлови маҳаллалараро ўтказилиб, якуний натижалар қараб чиқилди. Булоқбоши туманидаги Найман қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Найман маҳалласи ғолиб деб топилди ҳамда танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ғолиб маҳалла (оқсоқоли Т.Ҳожибоев) вилоят Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг Фахрий Ёрлиғи ҳамда 100 минг сўм пул мукофоти билан тақдирланди. Иккинчи ўрин Избоскан туманининг Избоскан қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Қораянтоқ маҳалласи (оқсоқоли Й.Болтабоев)га насиб этди. Бу маҳалла ҳам юқоридаги сингари Фахрий Ёрлиқ ҳамда 75 минг сўм пул мукофотига сазовор бўлди. Хўжаобод шаҳридаги А.Навоий номли маҳалла фуқаролар йиғини (раиси Н.Жўраев) учинчи ўрин соҳиби бўлди ва Фахрий Ёрлиқ баробарида 50 минг сўм пул мукофотини олдилар.

Андижон вилояти Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Аминжон СОЛИЕВ (чапдан учинчи) оқсоқоллар даврасида.

Бу маҳаллаларда кўча ва гузарларни ободонлаштириш, кам таъминланган хонадонларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, айниқса қарияларга алоҳида ҳурмат кўрсатиш сингари эзгу юмушлар намунали ташкил этилган. Андижон шаҳридаги Султон Жўра номли (оқсоқоли С.Шамсуддинов) маҳалла, Андижон туманидаги Хартум қишлоқ фуқаролари йиғинига қарашли Гузар маҳалласи (оқсоқоли А.Эгамбердиев), Бўз туманидаги Бўз шаҳарча фуқаролар йиғинига қарашли Гузар маҳалласи (оқсоқоли М.Тожибоева), Олтинкўл тумани Олтинкўл қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Катта Оқтепа маҳалласи (оқсоқоли М.Абдувалиев), Пахтаобод тумани Иттифоқ қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Тўпобжувоз маҳалласи (раиси М.Холмуродов) ана шундай маҳаллалар сафида тилга олинди. Ушбу маҳаллаларга Фахрий Ёрлиқ билан бирга қимматбаҳо эсдалик совғалари берилди.

Энг обод маҳалла - энг файзли маҳалла ҳамдир. Бундай масканда яшовчиларнинг кайфиятлари баланд, руҳлари тетик бўлади.

Энг обод маҳалла - тадбиркору ташкилотчилари, зиёлилари кўп маҳалла ҳамдир. Бундай маҳаллада ҳашарлар ва савоб юмушларга ўз-ўзидан йўл очиларади. Бундай масканда инсонлар бир-бирининг тақдирига бефарқ қарамайди, меҳр-оқибатли ва саховатли инсонлар шу маҳалланинг яхшиликларига бош бўлишади. Биз шунга эришайликки, юртимиздаги ҳар битта маҳалла обод бўлсин. Токи, бундай маҳаллалар юртнинг қувончига, фахрига айланажак.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ.

Мулоҳаза

КЎЧАТ ЎТКАЗИНГ, СУҒУРМАНГ!

Баъзан нега кўп қаватли уйларда яшовчи айрим кишилар ўз таморқалари-ю, кўча-йўлакларига бефарқдирлар, деб ўйлаб қоласан киши. Масалан, сиз эрталаб ишга, ўқишга отланиб кўчага чиқдингиз. Ҳаво мусаффо, атроф жим-жит, инсоннинг кўнгли ҳузурланади. Аммо неча кунлаб супурги тегмаган йўлак ёки четда ётган чиқинди уюмига кўзингиз тушганда бу кайфиятга доғ тушади. Қоронғуда кимдир ахлатни жойига олиб бориб ташлашга эриниб шундоққина йўл четига тўкиб кетибди. Қўшнимиз таморқасидаги кеча боҳорда биринчи бор гуллаган кўчатларни шўх болалар синдиришган, ердан чиқиб турган бир чўп қолибди холос.

Айниқса жазирама ёз кунлари баъзи (кўпинча янги мавзеларда) кўп қаватли уйлар ёнидан ўтиб борсангиз, соя берувчи бирор туп дарахтни учратмайсиз. Ниҳол ўтказиб кўпайтириш у ёқда турсин, гоҳида йўл қурилиши ва бошқа "баҳоналар" билан кўм-кўк боғлар ҳам йўқ қилинмоқда. Бизнинг Қорасув мавзесида ҳам шундай бўлди. Қурилиш сабаб кўп дарахтларимиз кесилиб кетди. Фақат бизнинг уйимиз ёнидаги ток сўрисини сақлаб қолдик холос, ёз кунлари бу узумток сояси тўққиз қаватли уйда яшовчиларнинг кўзларини яйратади, салқинлиги танга ором беради.

Бузилиб кетган боғимизда ёз бўйи укроп-кашничлар, гуллар, дарахтлар яшнаб турарди. Фақат, ҳар бир томорқа атрофи турли хил панжаралар билан тўсилганди. Йўл бўйидан бу панжаралар хунук кўринаяпти деб барча тўсиқларни олиб ташлашди. Натижада қаровсиз қолган боғнинг мевали дарахтларини болалар синдириб, йўқ қилиб юборишди. Бир неча йил аввал кўм-кўк яшнаб турган боғ аянчли тусга кирди. Яхшиямки баъзи бир тиниб-тинчимас қушниларимиз янгидан чиройли тўсиқлар қилиб таморқаларни кўкартириш ҳаракатидалар.

Яна бир масала... Кўп қаватли уйларда яшайдиганлар очиқ ҳавога чиқиб ҳам баҳри-диллари яйрай демайди. Чунки ҳар қаламда мана шу уйларда яшовчи кучукбоқарларнинг "арзандаларидан" қолган ахлатлар таъбингизни хира қилади. Ҳовлили уйларда истиқомат қилувчилар шароитига қараб кучук, мушук ҳатто товуқ, қўй боқишлари табиий. Кўп қаватли биноларнинг квартираларида аквариумда балиқ, симкатакда тўти, канарейка каби қушлар боқиш мумкиндир, лекин итларни боқишга балки барҳам бериш керакдир.

Кўп қаватли уйлар ҳовлисида болажонларимиз ўйнашлари учун ҳамма шароитларни яратиб беришимиз лозим. Бунинг учун эса болалар ўйин майдончасини барпо қилиш керак. Яқинда "Пойтахт" ахборот дастурида шаҳримизнинг бир мавзесидаги мана шундай болалар майдончасини ота-оналар томонидан ташкил қилинганини кўриб, ҳавасим келди. Табиийки энди у ерда болалар ҳеч нарсани синдирмасликка, ифлос қилмай сақлашга ҳаракат қилади. Чунки бу ўйин майдончасини унинг отаси ёки онаси ўз меҳнати билан барпо этган. Бола ўз атрофидаги нарсаларни қадрлашни ўргана бошлайди.

Истардикки, ҳар бир кўп қаватли уй атрофи озодалиги билан намунали ўзбек маҳаллаларидан қолишмаса ва шаҳримиз мавзелари боғ-роғларга кўмилса... Бундай қутлуғ ишларга эса маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари бош бўлсин.

Сайёрабону ЖЎРАЕВА,
П.Ф.Боровский номли тиббиёт билим юрти талабаси.

БАҒРИКЕНГЛИК - ОҚСОҚОЛ ХИСЛАТИ

Кўпчилик одамлар «Умрим идора хизматида ўтди, қарилик пенсиясига чиқсам яйраб дам оламан» деган ниятда юрадилар. Аммо, баъзилари пенсияда ҳам уйларида ўтиролмай, «Мен ишга ўрганганман, ҳаракат қилиб турмасам бўлмас экан» дея бел боғлаб қайта хизматга чоғланишади. Ҳабибулло Ўрозов ҳам ана шуларнинг бири. У республика Ички ишлар вазирлигида узоқ йиллар хизмат қилди, пенсияга чиққанидан буён ўз маҳалла ташвишини ўз зиммасига олган. Ўн йилдирки, у Сирғали туманидаги қипчоқ фуқаролар йиғинининг раиси. Бағрикенг, хушфеъл одам.

Бу инсон менга маҳаллада қандай ишлар амалга оширилаётгани, ўтган йиллар ичида қай ўзгаришлар юзага келгани хусусида сўзлаб берди. Кейин мен маҳаллани кезиб, кексалар билан суҳбатлашдим. ҳовлилар атрофи озода, экинзор ва гулзорларга усталик билан ишлов берилган. Ён-атрофнинг орасталиги ёр ерликларнинг ишчанлигидан дарак беради. «Оқсоқолимиз ўзига ҳам, бизга ҳам ўта талабчан, - дейди шу маҳаллада яшовчи Рустам Султонов. - Унинг қуйинчаклиги туфайли А.Аҳматова ва Файзли кўчаларидаги хонадонларга табиий газ келтирилди, йўлларга асфальт ётқизилди. Яқубов номли кўча аҳли эса тоза ичимлик суви билан таъминланди». Ҳа, бу инсоннинг елиб-югуришлари туфайли ҳовлилар атрофига зеб берилди, дарахтзорлар кўпайтирилди, ободончилик ишлари жонлантирилди. У ёшларни маҳаллага унча узоқ бўлмаган корхоналарга ишга жойлаштириш, бола парвариши билан уйда ўтирган аёлларни касаначиликка жалб этиш, кўп фарзандли хонадонларга, айниқса қарияларга доимий ғамхўрлик қилиш сингари юмушлараям жон куйдиради. Аслида бу оқсоқолнинг режадаги ишларику, дейишимиз мумкин. Лекин режадаги ишларга ҳам ҳар ким ҳар хил ёндошади-да. Ҳабибулло ака Ўрозов учун шунчаки юмушнинг ўзи йўқ. У ҳар бир ишга астойдил куйинчаклик билан ёндошади. Кишиларнинг у ҳақда яхши сўзлар айтиши балки шундандир.

Баҳодир ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Сирғали тумани Қипчоқ маҳалласи фуқароси.

ЎҒРИНИНГ ЖАЗОСИ...

Пособон таклифи

унинг ўғирлик қилишига имкон бермасликдир!

Баъзан оғилдаги молни ёки яйловдаги отни ўғирлаб кетилиши ҳоллари айниқса қишлоқ аҳолисини ташвишга солади. Қандай қилиб ўғирликка чек қўйиш мумкин? Ахир «Излаган имкон топади» дейдиларку! Ўша мол ўғриларига кучлироқ жазо қўллаш йўлларини, кўриш керакдир. Бизнинг жамоа хўжалигимиз ҳудудида шундай нохуш ҳолатлар баъзан учраб қолади. Бир неча йил аввал бирваракайига 16 бош от номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетилди. Кўп ўтмай, яна 4 бош от изсиз йўқолди. Бунинг устига баъзида қорамолларни ҳам ўғирлаб кетадилар. Бошқа қишлоқ ёки маҳаллаларда ҳам юз бериб турадиган шундай ҳодисаларнинг олдини олиш борасида мен бир таклиф киритмоқчиман. Яъни, ўғирликка қарши ўғирликка имкон қолдирмаслик лозим. Масалан, худди техника воситалари сингари моллар, ҳеч бўлмаса йирик моллар қатъий рўйхат қилинса, рақамланса. Бунда темирдан ихчамгина қилиб ясалган махсус тамғалардан фойдаланиш мумкин.

Мол ёки отларнинг қулоғидаги тамғалар рақамланиб, бу рақам мол ёки от эгасидаги ҳужжатда қайд этилган бўлади. Мол ёки отларни сўйиб сотиш вақтида ушбу ҳужжатлар текшириб борилади. Молларни ёппасига тамғалаш орқали бундай ҳолатларга барҳам бериш мумкин. Негаки, шундагина гўшт дўконлари ёки тери қабул қилиш пунктларида ушбу ҳужжатларга кўра иш юритилади. Тамға рақамларининг мол ёки от эгасидаги рақамларга қанчалик мос келиш ёки келмаслиги махсус илора вакиллари томонидан текшириб борилади. Бу вакиллар гўшт дўкони, бозорлардаги гўшт расталари ёки тери сотаётган шахсларни назорат қилиб турадилар. Ҳар ҳолда, бу менинг шахсий фикрим.

Комилжон ЭРГАШЕВ,
Тошкент вилояти Куйи Чирчиқ тумани Истиқлол қишлоқ фуқаролар йиғини посбонлари сардори.

Жиноят ва жазо

ВАҲШИЙЛИК

Унинг сабабчиси гиёҳвандлик

Агар кишилар бир-бирларининг ҳаётига лоқайд бўлсалар, бир-бирларини яхшиликка, эзгуликка ундаб яшамасалар, бундай тирикликдан бирор маъно йўқ. Ёнгинамизда бир кимса лоқайдлик гирдобига тушса, жиноят қилиб қўли қонга ботса, демакки, бунда кўпчилигимиз айбдормиз!

Анвар Ғуломовнинг узоқ муддат ишламасдан бекор юришига ён-атрофдагилар бепарво қарашди. Ўз тирикчилиги учунгина куйиб-пишиб юрган қўни-қўшнилар, қариндош-уруғларнинг бу йигит билан ишлари бўлмади. Оқибатда бора-бора жиноят кўчасига кирганини сезмай қолди. Аммо, унинг бу жиноятини ҳеч бир сўз билан таърифлаб бўлмайди!

Ўтган йилнинг 26 март куни Анвар анча вақт шаҳарда бекор сангғиб юрди. Ниҳоят у кеч соат 21 лар атрофида Шайхонтоҳур туманида жойлашган «Омад» кафесига кириб келди. Бу ерда таниш-лари Руслан Фахриддинов ва Атҳам Умаровларни кўриб қолди. Пивохўрлик қилаётган икки оғайни Анварни ҳам ўзларига қўшиб олишди. Улфатчилик узоқ давом этди. Энди уларни пиво қониқтирмасди. Шунда қаердандир ароқ топиб келиб, устма-уст ичишди. Вақт алламаҳал бўлганида улфатлардан бири - Атҳам зарур иши борлигини баҳона қилиб, даврадан чиқди. Икки ошна эса кафеда қолишди. Бир пайт Руслан Анварга «Қани, бизнинг ишхонамизга борайлик, у ерда «бўйни узун»дан олиб қўйганман!» деди ва шундан сўнг иккаласи Самарқанд дарвоза кўчасидаги 3 «А» уйнинг биринчи қаватида жойлашган «Чакар» ширкатига келишди. Икки ошна бу ерда ароқ ичишгач, Руслан ошнасига «Манави қуруғидан ҳам торт» дея героин моддасидан узатди. Хуллас, кайфу сафо...

Бироз вақтдан сўнг бирданига Русланнинг тоби қочди. Оғриқнинг зўридан икки букилиб, дўстидан нажот кутди. «Дўст» эса унинг аҳволини кўриб кўрмасликка олди, «Тез ёрдам» чақириш ўрнига жуфтакни ростлаб қолди! Руслан кимсасиз хонада қийналиб жон берди. Анвар эртасига кундузи соат иккилар атрофида Русланнинг иш жойига келди. Ошнасининг жон таслим қилганини кўриб, қотиб қолди. Бир кун аввал роса «тортилган» героиннинг таъсири ҳали унинг танасини тарк этмаганди. У ўша модда таъсирида кўз кўриб қулоқ эшитмаган ваҳшийликка қўл урди. Бир идишда бензин олиб келиб, ошнасининг мурдаси устига сепди ва гугурт чақиб юборди! Мурда гувиллаб ёна бошлагач, у ҳушёр тортди ва бу иши катта жиноят эканини фаҳмлаб қочишга тушди...

Тутун ҳиди ён-атрофга тарқалгач, қўшнилар бундан огоҳ бўлишди. Улар «ёнғин содир бўлди» деб ўйлашиб, махсус идорага хабар беришди. Етиб келган ўт ўчирувчилар эшикни бузиб ичкарига кирдилар ва одам мурдаси ёнаётганини аниқлашди.

Анвар Ғуломов Шайхонтоҳур тумани суди томонидан жиноий жавобгарликка тортилди ва у етти йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Биз инсофли, диёнатли, орномусли халқнинг фарзандларимиз. Аждодларимиздан қолган эзгу савобли ишлар, гўзал фазилатлар бизни инсонлик тахтига кўтаради, умримизни безайди. Лекин, гоҳида меҳр-мурувват, шафқат ва диёнатни унутамиз, оқибатда феълимизда иллатлар пайдо бўлаётганини сезмай қоламиз. Бу иллатлар эса бизни жар ёқасига олиб боради, жиноят қилишга ундайди. Демакки, инсонлик шаънимизга яна доғ тушади...

Жумбоқли тақдирлар эса ўз ечимини тополмасдан кўз ўнгимизда бирма-бир маглуб бўлаверади. Нега? Нима учун? Ахир биз инсонлар бир-биримизнинг ҳаётимиз учун масъул эканимизни, доимо бир-биримизга меҳрли, шафқатли бўлишимиз зарурлигини асло унутмаслигимиз керак.

О.ФУЗАИЛОВ,
Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани прокурори, адлия катта маслаҳатчиси.

Қашқадарё

«НАСАФ» ЎЙИНГОҲИДА МАҲАЛЛА ЁШЛАРИ

Қарши шаҳар ҳокимлиги маҳалла ёшлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар Кенгаши, Касаба уюшмаси вилоят бошқаруви, шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси, ҳамкорликда «Насаф» ўйингоҳида «Маҳалламиз ёшлари» спорт тадбирини ўтказди.

Шаҳардаги 40 нафар маҳалладан йиғилган 3000 дан ортиқ йигит-қизлар спортнинг тош кўтариш, шахмат-шашка, 11 метрдан жарима тўпини тепиш, найзани мўлжалга улоқтириш, белда халқа айлантириш каби турлари бўйича баҳслашдилар.

Полвонлар баҳсида 11 метрлик жарима тўпи тепиш бўйича Маҳаллот, мерганлик маҳоратида Чўлқувар ва белда халқа айлантириш бўйича Чармгар, маҳаллалари ёшлари биринчи ўринларни қўлга киритдилар. Асфальтга расм чизиш бўйича ғолиблик эса Ғафур Ғулом номли маҳалла қизлари Феруза Ҳайдарова ҳамда Барно Нажимоваларга насиб этди.

Ғолиб ва совриндорлар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар Кенгаши ҳамда мутасадди ташкилотларнинг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

ҚАДИМИЙ БУХОРОНИНГ НАВҚИРОН ҚИЁФАСИ

(Давоми. Боши 1-саҳифада)

Стадионнинг тантанали очилиши 24 май кунига белгиланган, қурувчилар жадал ишлашмоқда эди. Бухоро шаҳри ҳокими Карим Камоловни қурувчилар орасида, росмана «штаб бошлиғи» кийимида учратдик.

- Стадиондаги асосий ишлар битди. Энди Хитойдан келтирилган ўриндиқларни ўрнатиш, Германиядан келтирганимиз - югуриш йўлкалари учун махсус қопламани жойлашимиз керак, - ҳоким шу сўзларни айтдию яна қурувчилар томон ошиқди.

Яна бир неча кундан сўнг бу стадион мухлислар билан тўлади.

Вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Раим Ҳайдарзода ҳамроҳлигида стадионни кўздан кечирдик.

- Ҳозирча бундай стадион бошқа вилоятларда йўқ. Қайта таъмирдан кейин бу ерга 25000 томошабин сиғади, халқаро стандартларга жавоб беради: ёритиш мосламалари ўрнатилган устунларнинг баландлиги 54 метрни ташкил этади, катта электрон таблони ҳам Голландиядан келтирдик. Стадиоонинг усти ёпиқ бўлгани учун бу ерда ҳар қандай об-ҳавода ҳам спортнинг 18 та тури бўйича мусобақалар ўтказиш мумкин.

«Бухоротекс» ҳиммати билан чирой очган Семурғ спорт мажмуаси

Стадиондан чиқаётиб, бир гуруҳ меҳмонлар, кўплаб мактаб ўқувчиларига дуч келдик. Улар қурувчилардан ичкарига киришларини илтимос қилиб туришарди:

- Акажон, майли дея қолинг, шундай стадионни кўрамизу, қайтиб чиқамиз, жон акажон...

Стадион ҳали очилмасдан туриб унга киришга шунчалик иштиёқманд бўлаётган ишқибозлар стадион битгач уни бир зум бўш қўймасликлари аниқ.

Лекин бу стадион универсиада муносабати билан халқаро андозаларга мослаб таъмирдан чиқарилган ягона иншоот эмас экан. Шунингдек, «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамиятининг қурилиш трести (раҳбари Шукрулло Давиров) томонидан 350 миллион сўм маблағ сарфланиб қайта таъмирланган, кенгайтирилган Семурғ спорт комплекси ҳақиқатдан ҳам мамлакатимиздаги энг яхши спорт мажмуалари қаторига қўшилди. Айнан шу куни 25 метрлик бассейнга, қўл тўпи ўйналадиган катта спорт залига эга бўлган ушбу спорт кошонасининг очилиш маросими бўлди. Очилиш маросимига йиғилган вилоят жамоатчилигини, кўплаб ёшларни вилоят ҳокими Самойдин ҲУСЕНОВ шундай қутлади:

- Бугун бизнинг спортга бўлган эътиборимиз келажак авлоднинг, яъни фарзандларимизнинг эртанги баркамоллиги, соғломлигини таъминлайди, буни ҳаммамиз яхши биламиз. Шахсан мен вилоятимиз ёшларининг республикадаги, жаҳондаги тенгдошлари ичида ҳар бир жиҳатдан, шу жумладан спорт соҳасида ҳам энг етакчилари бўлишларини истардим. Аминманки, ушбу спорт мажмуаси ҳам, яқин кунларда фойдаланишга топшириладиган Бухоро стадиони ҳамда Ҳумо теннис мажмуаси ҳам ана шу орзуларимизнинг рўёбга чиқиши учун хизмат қилади.

Маълум бўлишича, айнан вилоят ҳокимининг ўзи Бухоро стадиони ва Семурғ комплексини таъмирлаш, яқин кунларда очиладиган Ҳумо теннис мажмуасининг қурилиш ишларида бош меъмор даражасида ва ташкилотчиси экан.

Бухоро стадионини қайта таъмирлаш ишларининг жонкуярларидан Субҳиддин ҳожи Баратов (чапдан биринчи), Асрор Жураев, Лев Гульден.

Бухоро вилояти Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Беҳбуд Жумаев билан вилоятнинг бир нечта маҳаллаларида бўлганимизда Бухоро маҳаллалари фаолиятида ҳам ўзига хос жиҳатлар борлигига амин бўлдик.

Бизга ҳамроҳ бўлган Бухоро шаҳар Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлинмаси раиси Рабби Фозилов, шаҳарнинг Файзулла Хўжаев тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Шарофат Маҳмудовалар тизим ҳаётига оид кўп янгиликларни сўзлаб бердилар.

ЎЗ МАҲАЛЛАСИНИНГ ҚИЗИ ВА ОҚСОҚОЛИ

Бухоро шаҳри Файзулла Хўжаев номли туманининг Собир Раҳимов маҳалласига Мавжуда Муродованинг раислик қилаётганига унча кўп муддат бўлмаган бўлсада, маҳаллада тадбиркорлик, хотин-қизлар билан ишлаш, аҳолига ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатиш борасида анча ибратли ишлар қилинган.

- Ўзим шу маҳалланинг қизиман. Турмуш ўртоғим ҳам шу маҳалладан. Ўзим туғилиб ўсган маҳалламда яшаш, устига устак оқсоқоллик қилиш менга насиб этганига беҳад шукр, - дейди Мавжуда опа.- Ўзимизнинг патдўзлик цехимиз бор, 8 нафар чевар аёлларимиз сўзана, жойнамоз, чойнакпўш, бухороча халатлар тикадилар, тўйларимизда келин-куёвларимиз фақат миллий либос киядилар. Маҳалламиздаги 56 та кам таъминланган оилани ана шу цехимиз даромадидан ва Адиз Абдураҳмонов каби саховатпешаларимиз ёрдами билан моддий қўллаб-қувватлаб турибмиз. Маҳалламизнинг идораси биносида ташкил этилган ҳакимлик пунктида фуқароларимиз физиотерапия муолажаларини олишлари, кундузги касалхонада даволанишлари учун барча шароитлар бор.

ШИРБУДИННИНГ МАЪНОСИ...

Шу туманнинг Ширбудин қишлоқ фуқаролар йиғинида бизни даставвал икки нарса қизиқтирди: биринчиси қишлоқнинг номи бўлса, иккинчиси йиғин идорасининг унча-мунча туман ҳокимияти биносидан қолишмаслиги эди. Маҳалла оқсоқоли Ахтам Исоев ҳар икки ҳолатни қуйидагича изоҳлади:

- Ширбудин аслида «Ширбадан» сўзининг бузиб айтилиши бўлса керак, «шир» - оппоқ маъносида ишлатилади, демак, бу сўзнинг маъноси «оқбадан». Идорамизга келсак, бу бино аслида катта бир ташкилотнинг клуби бўлган. Аввал бир нечта хонасини, аста-секин клуб биносининг ҳаммасини, катта мажлислар залию боғини ҳам эгаллаб олдик. Лекин аҳолимизнинг сони ҳам йиғинимиз идораси савлатига мос-да. Айни кунда йиғин ҳудудида 3600 та оила, 11850 нафар аҳоли истиқомат қилади. Йиғинимиз идорасида «Никоҳ уйи»миз бор. Фотоустахона, 5 та пойафзал таъмирлаш устахонаси, 3 та сартарошхона, бир нечта новвойхоналаримиз бор. Каттагина маиший хизмат уйи қурилиши деярли якунланди. Пенсиядаги ҳуқуқшунос, руҳшуносларимиз жамоатчилик асосида ҳафтада икки кун фуқароларимизга хизмат кўрсатадилар.

Йиғиннинг хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Олима Худоёрова никоҳни қайд этиш, туғилганлик гувоҳномаларини, фуқароларни рўйхатга қўйиш ва рўйхатдан чиқариш ҳужжатларини ҳам йиғин идорасининг ўзида расмийлаштирар экан.

ЖЎБОРЛИК ПИРУ БАДАВЛАТЛАР

Яна шу туманнинг Жўбор маҳалласига келганимизда ажойиб бир тантананинг устидан чиқдик. Ашур ҳожи Ҳасанов ва Муҳаррам ая Ҳожиеваларнинг оиласи «Энг ибратли оила» кўрик-танловида ғолиб бўлганликларини фарзандлари, маҳалладошлари даврасида нишонлаб турган эканлар. Маҳалла оқсоқоли Гулсум Мўминова бу оила ҳақида тўлқинланиб гапирдилар:

- Дарҳақиқат бу оила соҳибларининг ҳаёт йўли бугунги ёшларимизга ўрнак бўларли. Ашур ака ва Муҳаррам ая урушдан кейинги қийинчилик йилларида укаларининг отасиз қолган 6 нафар фарзандини ўзларининг 7 нафар болалари қаторида парваришлаб, вояга етказганлар. Мана ҳозир, 13 фарзанднингш ҳаммаси ўқимишли, касб-ҳунарли, ўзидан тиниб кетган. Келаси йили худо хоҳласа, бу оила соҳибларининг турмуш қурганларига 50 йил тўлади, олтин тўйни нишонлаймиз.

Бу маҳаллада ҳам тизим фаолиятига оид барча ишлар яхши йўлга қўйилган экан. Айниқса, маҳалланинг «Ёш куч» футбол командаси ўтган йили республикада фахрли 2-ўринни олганидан маҳалла ёшлари жуда фахрланишар экан. Бу йилги мусобақаларга улар нақ биринчи ўринни кўзлаб тайёргарлик кўришмоқда.

«Mahalla»нинг муштарийлари Бухоронинг ҳар бир маҳалласида бор экан.

ШОФИРКОНДА ШУНДАЙ ИШЛАР...

Шофиркон тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Карима Қудратова туманнинг бугунги ҳаёти ҳақида сўзладилар:

- Эътибор берган бўлсангиз, одамларимиз дастурхонга фотиҳа ўқий туриб ҳам дуо сўнгтида «Хосилимиз баракали бўлсин» деб қўшиб қўйишади. Бу бежиз эмас, мана бугун-эрта туманимиз пилла қурти бўйича режани уддалайди. Бу йил серёғин келиб, тут баргидан зориқмадик, пилламиз ҳали мўл, режани юз эллик фоизга уддалашимиз ҳам мумкин. Туманимизга Аҳмад Раҳмонов ҳоким этиб тайинланганларига ҳали кўп бўлгани йўқ. Маҳаллаларимиз фаолиятига алоҳида эътибор берадилар. Яқинда Искогаре қишлоқ фуқаролар йиғинида «Оилани ижтимоий ҳимоялаш маркази» очилди. Элликдан ортиқ киши иш билан таъминланди. Айниқса, уйда болалар тарбияси, рўзғор ташвишлари билан банд аёлларимизга ўзларига қулай вақтда ишлаш имконияти туғилди. Хитойдан келтирилган 10 та тикув машинаси билан жиҳозланган цехда улар кўрпа-тўшак ғилофлари, махсус кийим-кечаклар, хуллас буюртма берилган жиҳозларни тикмоқдалар. Ҳисоб-китоб ишлари эса йиғин тасарруфида. Жўйнав маҳалласида эса футбол стадиони қурилди. Хотира ва қадрлаш куни арафасида футбол бўйича маҳаллаларо Хотира турнири ўтказилди. Наврўз байрами кунларида туманимиздан 600 нафар қарияларни Ал-Бухорий мажмуасига зиёратга олиб бордик. Бирваракайига бунчалик кўп зиёратчи келганидан мажмуа хизматчилари ҳам ҳайрон қолишди.

АР-РЕВГАРИЙ МАҲАЛЛАСИДА...

Маълумки, шаҳар ҳаёти қишлоқдаги турмуш тарзидан кўп жиҳатлари билан фарқ қилади. Бу фарқ маҳалла тизими фаолиятининг ҳам қайсидир жиҳатларида сезилиб туради. Вилоятнинг Шофиркон ва Ғиждувон туманлари маҳаллаларида жўшқинлиги шаҳарникидан қолишмайдиган ҳаёт тарзини кўрдик.

Бухородан шунчалик беҳисоб азизу авлиёлар ўтганки, бу заминнинг ҳар бир қаричи муқаддас қадамжога айланган. Бу ерда деярли ҳар бир маҳаллада битта ёки бир нечта муқаддас қадамжо мавжуд. Етти пирнинг бири Хожа Ориф Муҳаммад ар-Ревгарий шарафига Хўжа Ориф деб аталувчи маҳалланинг ҳудуди нақ 60 минг квадрат метрни ташкил қиларкан. Асли касби ўқитувчилик бўлган Абдураҳим Каримов оқсоқолликка сайлангандан сўнг собиқ пахта қабул қилиш пункти биносини қайта таъмирлаб, маҳалла идорасига мослаштирган экан. Фаолларнинг айтишича, бу идора биттунча оқсоқолнинг анча-мунча шахсий маблағи сарфланган.

- Хўжа Ориф ҳазратларининг мақбаралари қурилганидан буён бир марта Сайид Олимхон даврида таъмирланган. Шўролар тузуми йилларида умуман қаровсиз қолганди. Мақбара ёнида 600 намозхонга мўлжалланган катта жомеъ масжиди қурилди, - дейди оқсоқол.

ИШ АВВАЛИ - МАСЛАҲАТ

Қалмоқон маҳалласига етиб келганимизда идорада оқсоқол Хайрулло Жўраев, маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Ҳамро Ашурова, посбон Умид Раҳимов, кўча боши Зоир Қодиров ва Барака Рўзиевлар қизғин маслаҳатлашиб туришарди.

- Идорамизга шундоқ туташ каттагина хона бекор ётибди. Шуни маҳалламиз ихтиёрига олсак, яхши бўларди. Кўплашиб шунинг маслаҳатини қилаётгандик, - деди оқсоқол. Хуллас, маҳалла борки, маҳалла ташвишида юрган киши борки, барини бирон яхши тадбир тараддудида, ёки яхши юмуш тадоригида учратдик.

«АЛЛО, СЕЛЕКТОР: СИЗНИ ҲОКИМ ЭШИТАДИ...»

Ғиждувон туман ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Садриддин Асадов яхши янгиликдан бизни воқиф этди:

- Энг аввало фуқароларимизнинг турмушларини фаровонлаштириш масаласи туман ҳокимидан тортиб оддий масъул ходимнинг ҳам диққат-эътиборида. Бу борадаги тадбирлар албатта маҳалла орқали, унинг иштирокида ўтказилса, одамларга ушбу тадбирнинг моҳияти ҳам, самараси ҳам тезроқ етиб боради. Туманимизда янги ва бизнингча, жуда ибратли тадбир йўлга қўйилди: белгиланган вақтда фуқаролар туман ҳокими билан телефон орқали тўғридан-тўғри бевосита мулоқот ўтказадилар. Одатда «селектор» деб ном олган бу тадбирдан бир неча кун олдин муҳокама этиладиган мавзу, мулоқотда ҳозир бўладиган масъул шахсларнинг исми-шарифлари эълон қилинади. Белгиланган вақтда фуқаролар ўзларини қизиқтирган савол билан мурожаат қилиб, ҳокимдан, ёки масъул шахсдан тегишли жавобни олишлари мумкин. Биринчи сафар «Дўконларимизда белгиланган саккиз хил озиқ-овқат маҳсулотларининг сотилиши» юзасидан мулоқот ўтказгандик. Жами 37 та фуқаро савол ва таклиф билан мурожаат қилишди. Иккинчи марта эса, Соғлиқни сақлаш тизими фаолияти юзасидан фуқароларни мулоқотга чорладик, мурожаат қилувчилар сони икки ҳисса қўпайди.

ИСМИ ИШИГА МОС МАҲАЛЛА

Ғиждувон туманига сафаримиз «Энг обод маҳалла» кўрик-танловининг вилоят ғолиби - Гулистон маҳалласига ташрифдан бошланди. Маҳалла ҳақиқатда ҳам обод, кўчалар озода экан. Бизнинг эътирофимизга маҳалла оқсоқоли Маҳмуд Мақсудов камтарлик билан «Ҳа, энди пойтахтдаги маҳаллалар билан вилоят туманидаги маҳалллаларни тенглаштириб бўлармиди», деб қўйдилар.

Лекин маҳаллани кўздан кечириш баробарида тенглаштириш эмас, айрим жиҳатлари билан устунлик ҳам қила олишига амин бўлдик бу маҳалланинг. Сартарошхона, пойабзал таъмирлаш устахонаси, чойхона, новвойхона каби кўпчилик обод маҳаллалар учун одатий иншоотлардан ташқари бу ерда маҳалла кинотеатри, баскетбол, теннис ўйингоҳи, биллиардхона, ҳаттоки кечакундуз ишлайдиган болалар боғчаси ҳам мавжуд эди. Тадбиркор Улуғбек Ражабовнинг «Нурали» номли озиқ-овқат дўкони саришталик, хизмат даражаси билан энг замонавий супермаркетдан қолишмас экан. Бу дўконда белгиланган саккиз турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг доимий ва тегишли нархларда сотилишини оқсоқол қатъий назоратга олган экан.

Гулистон маҳалласидаги дўконлар шаҳарникидан қолишмайди

ЯХШИ ОҚСОҚОЛ БЎЛА ОЛГАН АЁЛ

«Аёл киши яхши оқсоқол бўла оладими?» деган саволга ҳар ким ҳар хил жавоб беради. Ғавшин қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлган, бу ерда раислик қилаётган Хумор Ҳамроеванинг фаолияти билан танишган киши бу саволга албатта ижобий жавоб беради. Хумор опанинг ғайратшижоати гўё чексиз уммондек қайнаб турибди, опа қўл сиқиб кўришганда унча-мунча эркак дош беролмай елка қисади. Хумор опа қарийб 20 йиллик оқсоқоллик фаолиятида жуда кўплаб яхши тадбирларни амалга оширишга улгурган. Шунга яраша муносиб тақдирланган ҳам: бир қатор орден-медаллари орасида мустақиллик йилларида олгани -»Эл-юрт ҳурмати» ордени ҳам бор. Бир неча бор вилоятнинг энг фаол аёли номига сазовор бўлган.

- Ёшларни, айниқса қизларни турмушга тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор берамиз. Оилавий жанжаллар, ажралишлар бизда деярли йўқ. Турмуш қураётган ёшлар тиббий кўрикдан, бир нечта мутахассис суҳбатидан йиғинимизнинг ўзида ўтадилар. Ёшлар маркази очганмиз, доимо ёшлар билан гавжум у ер. Олтита ҳакимлик пунктимиз бор. Ҳунарманд тадбиркорларимиз жуда кўп. Уларнинг саховати кўп хайрли ишларимизда қўл келмоқда. Яхши биласиз, қишлоқ хонадони қорамолсиз бўлмайди. Айни кунларда сигир олишга қурби етмаганларни жилла қурса соғин эчки боқишга ундаяпмиз. Чунки инсон ўз фаровонлиги учун аввалам бор ўзи ҳаракат қилмаса, тўкин яшаш қийин.

ЗАРДЎЗЛАР ҲАМ МАҲАЛЛА УЧУН

Бухоронинг зардўзлари тиккан либосларнинг довруғи етти иқлимга машҳур ва манзур. Шунинг учун вилоятда деярли ҳар бир маҳалла тасарруфида зардўзлик цехининг борлиги табиий эди: биринчидан, бухороча зардўзи либосларга эҳтиёж катта, иккинчидан либосларнинг сотувидан маҳалла ҳисоб рақамига маблағ тушади. Бундай ҳунармандлик-тадбиркорликнинг оммавий йўлга қўйилганлиги ҳам вилоят маҳаллаларининг яна бир ўзига хослигидир.



Ғавшун қишлоқ фуқаролар йиғинидаги зардўзлик корхонасининг чевар қизлари

ОҚСОҚОЛНИНГ ЎРНИ, ИШИ, СЎЗИ БОР БЎЛСА...

Сафаримиз аввалида маҳалла тизими фаолияти ҳақида сўз кетганда вилоят Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Беҳбуд Жумаев:

- Бу тизимда фидойи одамгина яхши ишлай олади. Оқсоқолми, котибми, посбонми ёки оддий маҳалла фаолими, бундай қатъий назар маҳалла ишига, маҳалла аҳлига жонфидо бўлсагина, унинг жамиятда ўз ўрни бўлади, арзимас бўлсада иши эътирофга, бир оғиз сўзи эътиборга лойиқ бўлади, - дегандилар.

Сафаримиз давомида бу сўзларнинг ҳаётдаги ижросини кўрдик. Бухоро вилоятида маҳалла коринга яраймаи деб юрган ҳар бир кишининг ўз ўрни, ўз сўзи ва ўз иши борлиги яққол кўзга ташланиб турибди.

Мавлуда ҚОСИМОВА ,
«Mahalla» мухбири,
Суратларни Ҳайдарали ҚУРБОНОВ олган.

ШАҲЗОДА ҒАРИБИЙ «ҒАРИБ» ЭДИМИ? «ЖАР»ДА ТАЛАБАЛАР БАҲСЛАШДИ

2002 йил 22 май
№20 (298).

Ўтмиш гулшанидан

ШАҲЗОДА... ҒАРИБ

А.ҲАЙИТМЕТОВ

Бу ижодкорнинг адабий тахаллуси «Ғарибий» бўлиб, унинг тўғрисида Заҳириддин Муҳаммад Бобур: «Букри эди. Агарчи ҳайъати (яъни ташқи кўриниши) ёмон эди, таъби хўб эди. Агарчи бадани нотавон эди, каломи марғуб эди. «Ғарибий» тахаллус қилур эди», - деб ёзган «Бобурнома»да.

Ҳусайн Бойқаронинг ўғли бўлган Шоҳ Ғариб Мирзони энг яхши билган ва иззат-ҳурматини жойига қўйган кишилардан бири Алишер Навоий бўлиб, ўз «Хамса»сининг иккинчи достони - «Фарҳод ва Ширин»ни унга бағишлаган. Навоийнинг ёшлар тарбияси билан боғлиқ энг яхши гаплари ушбу шаҳзодага насиҳат тарзида баён қилинган.

Ўтган йили адабий меросимизни ўрганиш бўйича муваффақиятли амалга оширилган ишлардан бири Навоий даври ўзбек шеъриятининг кўзга кўринган намояндаси Шоҳғариб Мирзо девонининг нашр этилиши бўлди.

Мазкур «Девон» «Шарқ» нашриёт-матбаа Акциядорлик компанияси томонидан чоп этилган бўлиб, уни афғонистонлик ўзбек адабиётшуноси, Халқаро Бобур мукофотининг лауреати, филология фанлари номзоди Шафиқа Ёрқин нашрга тайёрлаган ва унга «Сўз боши»ни ҳам ўзининг ўзбек тилидаги шеърияти ҳам, форс тилидаги шеърияти ҳам бир томондан Ҳофиз Шерозий ва Абдураҳмон Жомий шеърияти, иккинчи томондан Алишер Навоий ва отаси - Ҳусайн Бойқаро шеърияти таъсирида ривожланган ва шаклланган, - дейиш мумкин. Ғарибийнинг аксар шеърлари ўз даври адабий анъаналарига кўра ишқий мавзуда. Масалан, у бир ғазалида ёр гўзаллигини, унинг сарвдек қадду қоматини, ошиқнинг яъни ўзининг эса ошкора севгисини таърифлаб қуйидаги каби сатрларни битган:

Қайси бир гулчеҳра ул гулбарги хандонимча бор?
Қайси бир шамшодқад сарви хиромонимча бор?
Қайси бир хуршидсиймони анга монанд этай?
Қайси маҳваш орази шаъми шабистонимча бор!

Шоҳ Ғариб Мирзо Заҳириддин Муҳаммад Бобур айтгандек, жисмоний нуқсон билан туғилган бўлиб, ака-укалари томонидан ҳар қадамда камситилган. Ижтимоий мавқеига кўра шаҳзода бўлса ҳам, қисиниб-қимтиниб ҳаёт кечирган. У уйланган. Лекин фарзанд ҳам кўрмаган. Отаси - Ҳусайн Бойқаро унинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилган. Навоий унинг билимга чанқоқлигини, одоб-ахлоқини, шеърий иқтидорини доим қўллаб-қувватлаб турган. Подшоҳ бирон ерга сафар қилса, Ҳиротни бошқаришни («Ҳирот ҳукуматини») унга топшириб кетиши сабаби кейинчалик унга бундай юқори мансаб тегмаслигига унинг кўзи етганидан эди. Унинг ўзига «Ғарибий» деб тахаллус танлашида ҳам катта маъно бор эди.

Шундай сабабларга кўра, биз унинг шеъриятида кўнгли тоза, орзу-умидлари юксак ва соғлом, аммо ўзининг юксак ниятларига ета олмаган, орзу-умидлари пайҳон этилган, ҳар қадамда камситилган ошиқнинг нолаи зорларига дуч келамиз, унга ҳамдардлигимиз ортади:

Дарди ҳажрингда Ғарибий телбалардек сўзлашур -
Гоҳе ўзи бирла, гоҳе сояси девор ила (61-с.).
Айладим кўнглумни сайду ҳеч парво қилмади;
Турфаким, чобуксуворим сайдидин ор айламиш (41-с.).
Юзу зулфингдин айру ҳажр шоми баски йиғлармен, -
Оқарди кўзларим, кўрғил, қорарди рўзғорим ҳам (52-с.).

Ғарибий шеъриятининг иккинчи бир катта қисмини унинг форсий шеърлари ташкил этади. Шафиқа Ёрқин унинг 37 та форсий ғазали, бир қитъаси ва Абдураҳмон Жомийнинг «Бирафт он моҳу моро дар дил аз вай сад ҳавас монда» деб бошланган ғазалига боғлаган мухаммасини ҳам шеърият мухлисларига тақдим этган.

Султон Ҳусайн Бойқаро ҳузуридаги базм тасвир этилган санъат асарида (чапдан) шоҳзодалар устози Муҳаммад Бурундуқ, Ҳусайн Бойқаро фарзандлари Бадиуззамон, Шоҳғариб Мирзо ва Музаффар Мирзолар тасвири.

Китобнинг айрим ўринларида баъзи сўзлар унча тўғри ёзилмагандек кўринади. Масалан, 43-саҳифадаги иккинчи ғазалнинг учинчи байтида «Пас недин...» ибораси «Бас недин...» деб, 54-саҳифадаги биринчи ғазалда «Дилраболар ичар...» ибораси «Дилраболар ичра...» деб, ўқилса, чамамда, тўғрироқ ва яхшироқ бўлур эди.

Умуман, Шоҳғариб Мирзо девонининг тарихда биринчи марта бизнинг диёримизда нашр этилиши, нашрнинг ҳар жиҳатдан кўркамлиги илмий ва адабий ҳаётимизда муҳим воқеадир. Умид қиламизки, ўзбек олимлари билан Афғонистон олимларининг ҳамкорлиги яна давом этади ва ривожланади.

Талаба ва спорт

СОҒЛОМ АВЛОД - СОҒЛОМ МАНЗИЛ

Дилшод ёшлигидан спорт деса пешонаси тиришадиган бўлиб ўсди. Тенгдошлари билан унча-мунча ўйнаган футболи демаса, спортнинг бошқа турларига умуман қизиқмасди. Мактабни битириб қўлига етуклик аттестатини олди. Тошкентдаги «Имом ал-Бухорий» номли олий диний билим юртига ўқишга кирдию, ўзгарди, қолди.

Тенгқурлари билан ярим кечагача кўчада тентираш, ўтганкетганга қитмирлик қилиш каби ярамас одатларини тарк этди. Қўлидан китоб тушмайди. Спортга қизиқиб қолганини айтмайсизми.

Мустақиллик шарофати ва муҳтарам Юртбошимизнинг тавсиялари билан ёш авлод саломатлигига катта эътибор қаратилмоқда. Қатор спорт мажмуилари, сув спорт саройлари, теннис майдонлари бино қилинмоқда. Уларда миллий чемпионатлар билан бир қаторда халқаро мусабақаларнинг ўтказилаётгани, мустақил юртимиз олис манзилларни кўзлаб одимлаётганидан далолат беради.

Олий ўқув юртларида ўтказилаётгани каби, диний таълим муассасаларида ҳам турли спорт мусобақалари ташкил этилмоқда. Кейинги пайтларда юртимиздаги барча мадраса талабаларининг спорт мусобақаларини Чорсудаги «Жар» спорт мажмуида ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. У ердаги замонавий усулда жиҳозланган хоналар, майдонлар бундай тадбирлар учун жуда боп қилиб қурилган, спортга қизиқмаган кишини ҳам қизиқтириб юборади.

Яқинда мазкур спорт иншоотида Республикамиздаги барча диний билим юртларида ўтказилган шахмат, шашка, кураш ва стол тенниси мусобақалари ғолибларининг финал учрашувлари бўлиб ўтди.

Учрашувни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари А.Юнусов очиб, йиғилганларнинг барчаларига омадлар тилади. Дин ишлари бўйича қўмита раисининг ўринбосари Ш.Миноваров ҳам ёшларни бугунги ўтказилаётган тадбир билан табриклаб, унинг муваффақиятли якунланишига ишонч билдирди.

Мусабақада Тошкентдаги олий диний маъҳад, «Кўкалдош» мадрасаси, Андижондаги «Саййид Муҳйиддин Махдум», Наманганда «Мулла Қирғиз» номли, Бухородаги «Мир Араб», Китобдаги «Хўжа Бухорий», Нукусдаги «Ал-Беруний» номли ва Самарқанддаги «Имом Бухорий» номидаги ҳадис илми марказининг иқтидорли спортчилари ўзаро куч синашдилар.

Ғолибликни қўлга киритиш учун бошланган курашларда, барча билим юрти талабалари бу мусобақаларга жиддий тайёргарлик кўрганликлари ва жойларда спорт ишларига яхши эътибор қаратилаётгани сезилиб турди.

Кураш бўйича мусобақа томошабинлар олқишлари остида жуда қизиқарли ўтди. Биринчи ўринни Китобдаги «Хўжа Бухорий» мадрасаси талабаси Орзумурод Воҳидов эгаллади. «Кўкалдош» билим юрти талабаси Муҳиддин Мусулмонов иккинчи ўринни эгаллади. Учинчи ўрин Тошкент ислом институти талабаси Ботир Аминовга насиб этди.

Стол тенниси бўйича мусобақада «Мулла Қирғиз» билим юрти ўқувчиси Сайфиддин Темиров биринчиликни олган бўлса, иккинчи ўринга бухоролик «Мир Араб» билим юрти талабаси Абдутолиб Фозилов кўтарилди. Учинчи ўринни Тошкент ислом институти талабаси Саидаъло Азларов эгаллади.

Шашка бўйича биринчиликни самарқандлик Ҳусниддин Тошқулов, иккинчи ўринни бухоролик Мустақим Исаев эгаллаган бўлса, учинчи ўрин Тошкент ислом институти талабаси Музроб Элмуродовга насиб этди.

Шахмат бўйича ўтказилган мусобақада ислом институти талабаси Дилшод Умиртоевнинг олдига тушадигани бўлмади. Иккинчи ва учинчи ўринларни «Хўжа Бухорий» билим юрти талабаси Сарвар Муҳаммадиев билан «Мир Араб» билим юрти толиби Мустақим Исаевлар бўлишиб олдилар.

Ғолибларга қимматбаҳо эсдалик совғалари ва пул мукофотлари топширилди.

Бундай мусобақаларнинг диний билим юрти талабалари ўртасида ўтказилиши уларнинг саломатлигига ҳукуматимиз томонидан катта эътибор қаратилаётганини англатади.

Шу ўринда халқимизнинг «Авлод соғлом бўлса, манзилинг обод бўлади», деб бекорга айтмаганига яна бир бор амин бўласан киши.

Элдор ИБРОҲИМОВ.

ҚАРИЯЛАР ЮРТ КЕЗИШДИ

Юнусободлик бир гуруҳ қариялар жума намозини Имом ал-Бухорий мажмуасида ўқишди. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан қўҳна ва қадимий шаҳарлар Бухоро ва Самарқандга икки кунлик саёҳат уюштирилди. Бу саёҳатдан туманимизда яшовчи юздан ўшиқ кекса отахон ва онахонларимиз баҳраманд бўлишди. Қадимий ва ҳамиша навқирон Бухоро ва Самарқанд шаҳарларининг қадим обидалари, тарихий ёдгорликлари билан танишиш биз қариялларга олам-олам қувонч бахш этди. Қариялларни қадрлаш йилида биз кексаларга ҳурмат ва ҳиммат кўрсатган туманимиз ҳокимлигига миннатдорчилик билдириб, улар ҳақига дуо қилиб қоламиз.

Чингиз МАХСУМОВ,
уруш ва меҳнат фахрийси.

Мунажжимлар таъбири

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Дам олиш кунларигача барча соҳада ғайрат қилишингизга тўғри келади. Лекин келаси иш ҳафтасининг бошида кўп ҳам ўзингизни уринтирманг.

СИГИР (22.04-20.05)
Келаси чоршанбагача кунларим осуда ўтсин десангиз, арзир-арзимас сабаблар баҳонасида атрофингиздагилар билан тортишаверманг.

ЗГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Кечадан бошлаб бурждошларингизнинг туғилган кунларини нишонлашдан, меҳмондорчиликдан бўшамай қолган бўлсангиз ҳам, фарзандларингизга безъитибор бўлманг.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Анча унумли ишлаётган бўлсангиз ҳам ҳамкасбларингиз ва раҳбариятнинг танқидига дучор бўлишингиз мумкин.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Дам олиш кунларигача муҳим масалаларни четроққа қўя туринг. Улар билан душанбадан бошлаб шуғулланганингиз маъқулроқ. Оила аъзоларингиз шу кунларда сизга жуда хайриҳоҳлар.

ПАРИЗОД (23.08-22.09)
Хонадонингизда яккаҳокимлик ўрнатиш йўлида саъй-ҳаракатларингиз катта жанжалга айланмасин десангиз, оила аъзоларингизнинг фикрини ҳам ҳисобга олинг.

ТАРОЗУ (23.09-22.10)
Шу кунларда кундалик, майда-чуйда юмушлар оғушида бўласиз. Аммо ўксиманг, оламшумул муаммолар устида бош қотиргандан шуниси ҳам яхшироқ.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Шу кунларда молиявий аҳволингиз анчагина яхшиланади. Лекин қимматбаҳо буюм харид қилишдан олдин яхшилаб ўйлаб кўринг, сизни чув туширишлари эҳтимоли бор.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Дам олиш кунларини оилангиз даврасида ўтказинг. Яхши ва кўнгилли ҳордиқдан сўнг, келаси иш ҳафтасини кўтаринки кайфиятда бошлаш сиз учун жуда муҳим.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-19.01)
Кейинги пайтда нисбатан муаммолардан холи бўлганингиз учун ҳушёрликни унутиб қўйманг. Сирларингиз кўпчилик учун сирлигича қолсин.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Шу кунларда кўчмас мулк билан боғлиқ муаммоларга йўлиқасиз. Бу ишларда энг муҳими қонундан четга чиқмаслик эканини ёдда тутишни маслаҳат берамиз.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Ўринсиз рашкингиз туфайли яқин кишингиз билан жанжаллашиб қолишингиз мумкин. Кўнгилхиралик фаолиятингизга ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

СЕВИБ ҚОЛДИЮ...

181 килограммга озди!

Шимолий Ирландияда яшовчи бу одамнинг тана оғирлиги 272 килограммдан ошиқ эди. У мўл-кўл овқатланар, биргина тушликнинг ўзидаёқ ўнта сомса, ўнта пиширилган тухум, 10 дона қайнатилган картошка, уч килограмм сабзоватларни паққос тушираркан.

Бу ўлкан одам оддий машинага сиғмаганлиги боис, махсус буюртирилган машинани бошқарарди. Бир кунн у вазни товара ошиб бораётганидан ҳавотирланиб шифокорга мурожаат этди. Шифокор уни обдон текшириб кўриб, ҳатнинг пустқаллаасини айтиб қўйилди:

- Мистер Роллей Макинтерн, сизнинг махсус машинанинг бор. Лекин, энди сизга махсус товуқ ҳам тайёрлаш керак, ҳачанда. Бу аҳволда узоққа бормайсиз!

Шундан кейин Роллей парҳез қила бошлади. Бу жуда қийин эди. Бу орада у Жозефина исмли аёлни қаттиқ севиб қолди, аёл ундан парҳезни тўхтатмасликни илтижо қилди. Ошиқ Роллей парҳезда давом этиб, 18 ой ичида 181 килограммга озди! Икки йилдан сўнг Роллей севгилси аёл билан никоҳдан ўтди.

Инглиз тилидан
И.ОРИФЖОНОВ
таржимаси.

Юртимиз спорти довруғи

ИРОДА ЎН ЕТТИНЧИ ЎРИНГА КЎТАРИЛДИ

Аёллар теннис уюшмаси (WTA) дунёнинг энг кучли теннисчилари рўйхатини эълон қилди. Рейтинг жадвалининг дастлабки уч поғонасини америкалик ракетка усталари эгаллаб турибди. Женнифер Каприати 4617 очко билан биринчи ўринда бораётган бўлса, опа-сингил Винус ва Серена Уильямс кейинги поғоналарни банд этган.



Ушбу рейтингда ўзбекистонлик теннис маликаси Ирода Тўлаганова биринчи марта 1281 очко билан ўн еттинчи ўринга кўтарилди.

Биласизми?

КАРАМ - ДАВО

Карам баргида қанд (5,7 фоизгача), оқсил (2,03 фоизгача), ёғлар (0,18 фоизгача), азотли моддалар (1,8 фоизгача), витаминлар А, С (74 мг фоизгача), коротин (6,8 мг фоизгача), В1, В2, В3, В6, фолат кислота, тартарон кислотаси, калий, кальций, фосфор каби минерал тузларга ва бошқа биологик актив моддалар бор. Витамин С нинг карамдаги миқдори цитрус мевалар, лимон, апельсин ва мандариндаги миқдоридан кам эмас. Бу миқдор карам кўп сақланганда ёки ундан турли масаллиқлар тайёрланганда ҳам камаймайди. Карам таркибида клечатка кўплиги ичаклар ҳаракатини (перистальтикасини) яхшилайди. Карамнинг бу хусусияти ич қотиш ҳолатини йўқотади. Карам қондаги холестерин миқдорини камайтириб, миокард инфаркти, юракнинг ишемик касаллиги, қон босимининг кўтарилиши ва инсульт каби хасталиклар ривожланишининг олдини олади.

Карам таркибида мавжуд бўлган витамин Нинг кўплиги ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакдаги яра касаллигини даволашда ишлатиладиган энг яхши доривор модда ҳисобланади. Бу витамин И деб аталиши ҳам унинг шу хусусиятидан келиб чиққан, яъни «улькус» сўзи лотинча бўлиб ўзбек тилида «яра» маъносини англатади. Карам таркибидаги витамин С томир деворларини мустаҳкамлайди ва ҳар қандай яллиғланиш жараёнини қайтаради. Карам барглари таркибида топилган тартарон кислота эса кишилар организмида ёғ алмашинувини қучайтириб, организмда ортиқча қувват яъни ёғ тўпланишини йўқотади. Кунига овқат билан бирга ёки ундан кейин истеъмол қилинадиган хом карамдан тайёрланган салат озиш учун ишлатиладиган «ёғларни ёндирувчи» қимматбаҳо моддалардан кўра кўпроқ фойда беради.

Карам таркибида шакар миқдорининг камлиги уни ҳаттоки қандли диабет билан касалланган беморларга ҳам тавсия қилиш имконини беради.

Карам истеъмол қилинганда киши организмида калийнинг миқдори ошиши вужуддан натрийни ҳайдайди, унинг бу хусусияти киши танасидаги турли шишларни даволашда, калланинг ички босимининг ошиши билан кечадиган касалликларни даволашда кенг ишлатишга асос бўла олади.

Айрим олимларнинг фикрича карам ўзаги айрим ёмон сифатли ўсмалар (рак) ўсишини секинлаштирар экан. Карам шарбати қадимги русда туберкулёз, ошқозоничак яраларини, гемарройни ва эпилепсияни даволашда жуда яхши натижа берувчи дори ҳисобланган.

Грек математиги Пифагор (эрамизга қадар VI аср) карам кишиларда тетиклик ва қувноқ кайфиятни сақлашини таъкидлаган. Қадимги римликлар уйқусизлик, бош оғриғи ва карликни даволашда карамдан унумли фойдаланишган. Карам шарбати косметикада юзга тушган доғларни кетказишда ҳам кўп ишлатилади. Хулоса қилиб айтганда карам ўзида кишилар организми учун фойдали бўлган биологик актив моддаларга бой бўлган полиз ўсимлигидир. Уни доимо истеъмол қилиш кишиларни турли хил хасталиклардан қутқариб, умрнинг узайишига олиб келади.

Раҳматилла БЕКТОШЕВ,
олий тоифали шифокор.

Янгисидан бор...

СКАНВОРД

Шўх	Турк актрисаси		Уйғуристон пойтахти	Фақир					
					Мўл-кўл	Машақкат		Кўрсатиш олмоши	
	Пахта		Унли ҳарф						Кушон давлат пойтахти
					Илтижо	Сурат		Шоҳмат донаси	
	Ҳашорат		Тоза				Нота / Ўтлоқ		
			Само		..... Ёқубов (ёзувчи)				
	Кир ювиш воситаси	Қизил			Аччиқ таъм				
		Араб давлати			Палов			Рўё	«Дерсу .....»
Разил						Ҳилол			
				Ҳайқириқ			Ос		Араб ҳарфи
Ризик термин		Зиё				Шаҳрисабз (эски номи)			
			Дарё		Эркаклар исми				
Қасам	Самолёт					«Рам ва .....»			

Андижон вилояти Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими ва Навбаҳор маҳалласи фуқаролари йиғини иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва меҳнат фахрийси, маҳалла жонкуяри

Ҳамид Қодирович ҚОДИРОВнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

MAHALLA

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОҚИБОЕВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Шавкат ЎРАЗАЕВ, Таъна берди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ
Саҳифаловчи: Акбар ЙЎЛДОШЕВ
Навбатчи: Мавлуда ҚОСИМОВА

Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
Буюртма Г-427

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Топширилди—